

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Ижтимоий фанлар кафедраси**

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДИН ВА АХЛОҚ-ОДОБ**  
**МАСАЛАЛАРИ**

**РЕФЕРАТ**

**Бажарди: доц. Г.К.Машарипова**

**Тошкент - 2017**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДИН ВА АХЛОҚ-ОДОБ МАСАЛАЛАРИ

## РЕЖА:

1. **Қуръон ва унинг маърифий, тарбиявий кучи, ислом динида обод-ахлоқ масалалари.**
2. **Ҳадислар ва уларда одоб-ахлоқ масалалари.**
3. **Тиббиётга оид ҳадислардан намуналар.**

Қуръони Карим ва пайғамбаримиз ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилганлигидир. Улардаги ота-онага, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, кам суқумлик, самимият, ростгўйлик ва бошқа чин инсонийлик ҳислатларнинг биринчи ўринга қўйилиши барча инсоният учун бебаҳо умуминсоний маънавий бойлик тизимини ташкил этади.

Ислом дини кўпхудоликдан, бидъатлардан ва хурофотдан бутунлай озод диндир. Ислом динининг ҳақлигини кўрсатувчи яна бир далил исломиятдан аввал янчли бир тарзда яшаган арабларнинг бу дин туфайли жуда қисқа тарихий давр мобайнида жаҳоннинг энг маданий, энг қудратли давлат бўлиб бирлашганлари ҳамда инсоний севги ва марҳаматлари туйғуларини араб чўлларидан Европага қадар олиб борганларидир. Ислом динини ёйиш учун илк бор Испанияга қадам қўйганларида, у ерни қароқ бир чўл ҳолда кўрадилар ва қисқа давр ичида мамлакатни гулистонга айлантирадилар.

Тарихчи Жон Драпер (1811-1882) «Европанинг маънавий тақомили» номли асарида исломнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, муҳим таъсири ва хизматлари ҳақида тўхталиб шундай ёзади:

«...Мусулмонлар келган кунлариданоқ уларга (Европаликларга) аввал тозаликни, поклик, озодаликни ўргатдилар. Зеро мусулмонлар бир кунда беш маротиба таҳорат олиб покланар эдилар. Уларни, ҳеч бўлмаганда, кунда бир маротиба ювинишга одатлантирдилар. Кейин уларни эгниларида увода бўлиб

кетган, бадбўй, битлаб кетган ҳайвон териларини ечтириб, ўрнига ўзларининг гўзал мато ва соф ипакдан тикилган тоза, озода либосларини кийдирдилар.

Уларга овқатлантириш ва ейишни ўргатдилар Испанияда уйлар, кўноқхоналар, саройлар, саройлар барпо этдилар. Мактаб ва шифохоналар курдилар. Дорилфунун ва мадрасалар бунёд этдилар. Бу дорилфунунлар бутун дунё учун бир нур манбаига айланди. Ҳар тарафда боғ экинзорлар, гулистонлар барпо этдилар. Мамлакат гуллаб-яшнади. Ваҳший, ёввойи европаликлар бу воқеалар қаршисида лол қолиб, вақт ўтиши билан аста-секин маданийлаша бошладилар»

Араб ва ажам мусулмонлари бу улуғ ишларни бажаришга фақат ва фақат ислом туфайли эришдилар. Чунки Ислом дини энг тўғри, мукамал, ўзгаришсиз келаётган диндир. Ўшанда араблар тўғри йўлда бўлганлиги учун Аллоҳ таоло уларни қўллаган ва ҳар жабҳада ғолиб этган эди.

Исломда динга кириш учун зўрлаш, мажбурлаш йўқ, даъват этилади холос. Ислом содда, осон тушунарли, ҳаммабоп, оммабоп, адолатли, энг тўғри, энг пок диндир. Ислом будга сғинишни манн қилиб, инсонларга инсонлик шарафини тиббий хурриятини қайтариб берди. Инсонларни фақатгина Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсадан қўрқмасликка, сиғинмасликка чақиради.

Биргина шу «Алақ» сурасининг ўзида чуқур ахлоқий фалсафий маъно ётибди. Демак Ислом талаботи барча инсонларни илмни, маърифатли ва юксак маънавиятли бўлишини талаб қилади. Маърифатга интилган инсон албатта ахлоқан шаклланиб боради ва охир оқибат комилликка интилади.

Ислом деб аталиши Аллоҳ томонидан ихтиёр қилинган экан. Ислом сўзининг ўзидаёқ бу дин таълимотлари фақат эзгуликни, поклик ва диёнатни мадҳ этиши аён бўлмоқда.

Ислом – бу Аллоҳ ягона деб эътиқод қилиб унга буйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга иймон келтирмоқлик демакдир.

Аллоҳ таоло барча Пайғамбарларини (Нух, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Исо, ва Муҳаммад) тавҳидга (ягона Аллоҳга эътиқод қилишга) даъват қилиш учун юборган. Шундан келиб чиқадики, дин аслида бир нарса лекин диний иш юритувчилар мақсадларини амалга ошириш учун бойлик, мансаб илинжида динларга ўзгартириш киритганлар. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлганидан кейин бу ҳақиқат юзага чиқди. Барча қолган динлар мансук қилинди. Аслида эса, Аллоҳ таоло барча динларни ер юзидан тинчлик ҳукми суриши, одамлар ва давлатлар ўртасида муҳаббат қарор топиши учун юборган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган дин-келишмовчиликларни тузатиш ва уларга ҳақ йўлини кўрсатиш муддаосида юборилгандир.

Бунда маънавият тарихи шуни кўрсатадики, цивилизация дегани- бу инсонни ўз-ўзини англаш, ўзини камол топтириш учун оилб борган курашининг ҳосилидир. Барча динлар, таълимотлар, тафаккур даҳлари инсон қобиляти, руҳияти ва ахлоқни ўрганиш, инсонни тарбиялаб тўғри йўлга бошлаш, ноқисликлар ва иллатлардан халос этиш билан шуғулланиб келдилар. Инсон нима, нега у шунчалик буюк ақли, қилни қирқ ёрадиган заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда, яъни тубан ишларга қўл уради, ҳайвоний ҳирсу, нафс домига тушиб ўзини хароб этади, деган савол ҳар бир соғлом ақлли кишида туғилади.

Манбалардан маълумки, Қуръони Карим пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом томонидан бир неча йиллар, аниқроғи 23 йил мобайнида ваҳий йўли билан Аллоҳни калом сифатида нозил бўлган.

Исломунос олимлар Қуръонни узок вақт давомида нозил бўлиш сабабларидан бири, пайғамбаримиз дилларини секин-аста қувватлай борши ва ул зотга оғир масъулиятни дарҳол юкламаслик; шариат қонунларини аста-секин поғонали тарзда ҳаётга тадбиқ қилиш тез ва осон бўлиши, ниҳоят оятларнинг ижтимоий воқеалар билан ҳамнафас бўлишидир деб тушунтирадилар.

Қуръони Карим 114 сура ва 6666 та оятдан иборат. Уларнинг бир қисми Маккада, бир қисми эса Мадинада нозил бўлганлиги кўпгина адабиётлардан маълум.

Қуръони Каримнинг Ал-исро сурасида ўқиймиз: “Ва лақад каррамно бани одама” (Биз одам болаларини азизу мукаррам қилиб яратдик). Дарвоқе Қуръон бу ислом динининг муқаддас китоби бўлиб, у Ислом таълимотининг дастурул-амалидир. Бундаги ҳар бир оят ва суралар тарихий воқеалар, бўлажак ходисалар ва инсоний фазилатларни ифодалайди. Мусулмон оламининг маънавий мазмуни ҳам шундадир. Шу маънода биз ўз эътиқодимиз ва ихлосимиз билан шу муқаддас диннинг муштарийларимиз. Президентимизнинг қўйидаги сўзлари ушбу фикримизнинг далилидир: “Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди”<sup>1</sup>.

1990-1991 йиллар халқимиз ҳаётида моддий жиҳатдан анча қийин кечган бўлсада, аммо маънавий нуқтаи-назаридан жуда баракали бўлди. Қуръони Карим замонавий ўзбек тилига ўтирилди. (Алоуддин Мансур томонидан).

Ислом дини ана шундай ғоявий-сиёсий кураш жараёнида шаклланди ва ривожланди.

Мана Қуръон яралгандан бўён неча асрлар ортда қолди, бу фоний дунёдан не-не уламою фузалолар, шоиру-давронлар яшаб ўтмади, лекин бирорта инсон фарзанди Қуръон сўзларининг оҳорини тўқадиган сўз ижод қила олмади, билъакс Қуръон мўъжизалари тан олинаверди. Қуръон-Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизасидир.

Одамларнинг эътиқодини абадул-абад мустаҳкамлаб тура олувчи, имонини заифлашишга йўл қўймайдиган кучни Аллоҳ иродаси билан Ер юзига бошқа динлардан кўра мукаммал, ҳақиқат чароғи бўлмиш Ислом динининг бош ҳужжати- Қуръон нозил бўлди. Қуръон башариятнинг ақл идроки тараққиёт чўққисига чиққан ҳозирги пайтлардача жами тафаккурларни лол қолдириб келмоқда, унинг хидояти, қонун-қоидалари, услуги ва маънолари мудом барҳаётдир.

Демак, Ислом биринчи сўздаек риёга йўл бермасликка, икки юзламачилик билан ёндашадиган мазкур динга нолайиқ эканлигини қатъий тарзда баён қилмоқда. Тил ва дил бир хил бўлмас экан, чин эътиқод бўлмайди, ахлоқий баркамоллик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Исломнинг биринчи одоби-тил ва дил бирлиги.

Ваҳоланки, Қуръоннинг ўзи нафақат диний китоб, балки Шарқ маданиятининг буюк обидаси эканлиги халққа бугун маълум бўлиб турибди.

Дин ва виждон эркинлиги ҳақида алоҳида қонун чиққанлиги ҳам шоён таҳсинга сазофор. Албатта, ҳар қандай ижтимоий онг ва шаклнинг ўз ўрнида, ўз доирасида ва ўз мавқеида бўлгани яхши, жамият тараққиёти учун бу жуда фойдалидир.

Жисмоний ва маънавий покликка интилиш ислом ахлоқининг, Расулуллоҳ ҳадисларининг яна бир муҳим мавзуи йўналишидир. Таҳорат, ғусл масалалари ташқи озодалик талаблари бўлса, ҳаромдан, ёлғон сўз, ғийбат, тухмат, зинокорлик, ўзга ҳақиқа хиёнат, ноҳақлик ва зулмга йўл кўймаслик, улардан қатъий сақланиш ички, маънавий покликка оид талаблардир. Буларнинг ҳаммаси Қуръони Карим ҳамда Расулуллоҳ ҳадисларида ва уларга асосланган шариатда жуда қатъий қилиб қўйилган.

Қуръони Карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси билан ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларининг мукамал тўпламидир. Қуръони Карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади.

Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишга рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, халқимиз ҳалол ва ҳаром иборасини ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга нисбатан ишлатиб келган. Шариатда

ижозат этилмаган ҳамма нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунда жазосини албатта бериши айтилган.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақда кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримлари қуйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдо-сотикда ғирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхурлик, судхурлик, ўғрилик, қароқчилик, майхурлик, ғийбат, тухмат, бўхтон, жосуслик, қотиллик, порахўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардир.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхурлик, фарзанд тарбияси ва оилага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларга яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли-диёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шавқатлилик, тўғрилик, ростгўйлик, софдил бўлиш, биродарларга ёрдам бериш, камтарликка чақариш ғоялари илгари сурилган. Исломда илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш жуда катта савобли иш экани қайта-қайта таъкидланади. Бешиқдан қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилишининг ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳадислардаги «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишдир», «Илм ибодатдан афзалдир» каби фикрлар ҳам таҳлилга мухтож эмас.

Қуръони Каримда «Илм» сўзи асосида «Алима» - билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 маротаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга илк нозил бўлган оят ҳам «Икра», «Ўқи» сўзидан бошланади. Кўринадики, ислом эътиқоди аввал бошданок инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишига тарғиб этади.

Инсон Оллоҳнинг халифаси сифатида билим эгаси, ёруғ дунёнинг барча билимларига унинг идроки етади. Фақат кибрга берилиб кетмаса, ўзини ҳаммадан ортиқ қўя бошламаса бас. Парвардигор бизни инсон қилиб

яратган экан, ақл-хуш, илму-амал берган экан, демак, биз инсон сифатида тафаккур қилиб, дунёвий илмларни – дунёни ўрганиб, дунё орқали Оллоҳнинг зотини, илмларини кашф этиб яшашимиз керак.

Дин – руҳиятимиз тарбиячиси, илм дунёни ва охиратни билиш қуроли, инсон унисини ҳам, бунисини ҳам эгалламоғи керак. Бизнинг боболаримизнинг йўли ана шундай бўлган. Бир мисол келтирамиз. Ривоят қилишларича, Абу Али ибн Сино билан машхур шайх Абусаид Абулхайр учрашибдилар. Улар бир кеча бир-бирларига ҳеч нарса демай «суҳбатлашиб» чиқибдилар. Эрталаб Шайхнинг шогирдлари ундан Ибн Сино ҳақида нима дейсиз, деб сўраганларида, Абусаид Абулхайр: «Мен нимаики важд (интуиция) билан билган бўлсам, у ақл билан билиб олган», дебди. Ибн Сино эса ўз шогирдларига: «Мен нимаики ақл билан билган бўлсам, у кўнгил билан идрок этади», деб айтган экан. Кўринадики, Ибн Сино дунёвий илмлар олими, Абусаид Абулхайр эса – тасаввуф шайхи, илоҳиёт олими. Аммо улар бир-бирини тушунган ва ҳар иккиси илм ҳам кераклигини англаганлар.

Ёки олайлик, Мирзо Улуғбек билан Хўжа Ахрор Валийни. Улар замондош, бир шаҳарда яшаганлар. Улуғбек – мунажжим ва шох, унинг шогирдлари аниқ фанлар вакиллари. Хўжа Ахрор эса мўътабар дин арбоби, руҳоний зот. Аммо улар бир-бирига ҳалақит берган эмаслар, аксинча, бири илмий маърифатни, иккинчиси бўлса руҳоний маърифатини ривожлантириб, бир-бирига кўмак берганлар.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Бухорий, Ғаззолий, Ҳамадоний, Ғиждувоний ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидойлиги, эътиқод-иймоннинг поклиги билан бизларга ибодатдир. Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики, диндорлик ҳам маърифатни, юксак маънавиятни талаб қилади. Киши қанча чуқур илм эгаси бўлса, олам ва одам моҳиятини англаса, унинг Оллоҳни англаши, иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Гап ҳоҳ диний, ҳоҳ дунёвий маърифатни тўғри ва чуқур англашда, ҳар икковини ҳам эгалламай нодон, жохил бўлиб қолмасликдадир.



Ҳар икки илмни эгаллаган киши икки дунёсини обод қилади. Ислому бу фақат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир.

**2-масаланинг баёни.** Муҳаммад алайҳис саломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар – ҳадислар деб аталади.

«Ҳадис» сўзининг луғавий маъноси – *янги, хабар, ҳикоя, сўз бўлиб, тўлиқ кўриниши* – ал-ҳадис ан-Набавий (Пайғамбар сўзлари)дир. Ҳадислар икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири исноддан иборат.

Ҳадислар Ислому динининг Қуръондан кейинги иккинчи манбаси ҳисобланиб, кўпгина фикҳий масалаларни ҳал этишда уларга асосланилади.

Ҳадис икки хилдир:

- *ал-ҳадис ал-қудсий* (бу каби ҳадисда, маъно Оллоҳдан, лафз эса Пайғамбарники бўлади);

- *ал-ҳадис ан-набавий* (бунисида эса, маъно ҳам, лафз ҳам Пайғамбарникидир).

VII аср охири – VIII аср бошларидан тафсир илми билан бир қаторда ҳадис илмида муснадлар ёзила бошлади. Исломининг аввалги вақтида фақатгина оятларни ёзма ҳолида сақлаб келинган бўлса, кейинчалик турли даражадаги сохта ҳадислар ҳам мусулмонлар орасига сингиб кетди. Бу эса олимлар олдига катта масъулиятли вазифани, яъни мана шу «мавзу» тўқима ҳадисларни ва «саҳиҳ» ишончилиларини ажратиб бериш вазифасини кўйди. «Саҳиҳ», «Ҳасан», «Заиф» каби уч қисмга бўлиб ўрганила бошланди. «Сихоҳ ас-ситта» (олти ишончли тўплам) номли ҳадислар мажмуаси пайдо бўлди. Уларнинг асосчилари:

- Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардазбеҳ ал-Бухорий (194/810 йилда Бухорода туғилган, 256/870 йили Самарқанднинг Ҳартанг қишлоғида вафот этган.), у «саҳиҳ ал-Бухорий» ёки «ал-Жоми' ас-Саҳиҳ» номли асар муаллифидир.

- Имом Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Қушайрий Нишопурий (202-261/817-875), у «сахих Муслим» асари муаллифидир.

- Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Жоруд ибн Аш‘ас Сижистоний (Сийстоний) (202-275/817-889), у «сунани Аби Довуд» асари муаллидир.

- Имом Абу Абд ар-Роҳман ибн Али ибн Ша‘бий Насо‘ий (215-303/830-915), у «сунани Насо‘ий» асари муаллифидир.

- Имом Абу Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Йусуф ибн Можжа (209-273/825-887), у «сунан Ибн Можжа» асари муаллифидир.

- Имом Абу ‘Исо ат-Термизий ( ваф. 279/893 й.), у «Сунан ат-Термизий» асарининг муаллифидир.

Яна бу муҳаддислар қаторида Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий ас-Самарқандийни (181/798-255/869) ҳам айтиб ўтиш лозим. У «Сунан ад-Доримий» асари муаллифидир. Имом Доримий ҳадис илмини Самарқандда ривожлантиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшган.

XI-XII асрларга келиб Мовароуннаҳрда ҳадис соҳасида анча олға силжишлар бўлди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доира ижод қилиш билан кифояланмай, балки имкон қадар илмнинг кўпроқ қирраларига эга бўлишга интиланлар. Шунга кўра бирор-бир олим масалан, фақатгина муфассир ёки фақиҳнинг ўзи эмас, балки бир вақтнинг ўзида муҳаддис ҳам бўлганлар. Чунки бу даврда, юқорида айтиб ўтилгандек, диний ихтилофлар кучайган эди. Шунга кўра уламолар бу ихтилофларни олдини олиш, бартараф этиш учун ҳар тарафлама кучли билимга эга бўлишлари лозим эди.

### ***Ҳадислардан намуналар:***

- Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир.
- Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг;
- Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг;

- Қачонки бир гуноҳ қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг.
- Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан кўрқаман:
  1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан;
  2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан;
  3. Илму маърифатга эга бўла туриб ғофилларнинг ишини тутишдан;
- Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг:
  1. ўлимдан аввал тирикликни,
  2. бетобликдан аввал саломатликни,
  3. бандликдан аввал бўш вақтни,
  4. кексаликдан аввал ёшликни,
  5. фақирликдан олдин бойликни.
- Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини, ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.
- Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир.

### **3-масаланинг баёни. Тиббий ахлоққа оид ҳадислардан намуналар**

- Умматларим учун энг қаттиқ кўрққан жиҳатларим: қорин солиб семириш, серуйқулик, дангасалик ва суст эътиқодда бўлишдир.

\*\*\*

- Зайтун мойи билан бўянинг ва унинг ёғини ўзингизга суртинг, чунки у муборак дарахтдан чиқади.

\*\*\*

- Ҳаммом дейиладиган уйдан эҳтиёт бўлинг.

\*\*\*

- Ҳар қандай маст қиладиган нарсани истеъмол қилишдан сақланинг.

\*\*\*

- Сизнинг орангизда менга энг севиклигингиз оз овқатланиб, вазни енгил юрадиганингиздир.

\*\*\*

- Об-ҳаво исиб кетса, қон олдириглар, чунки бирортангизда қон қайнаши юз бермасин. Акс ҳолда у ўлимга олиб боради.

\*\*\*

- Агар беморнинг иштаҳаси бирор нарсани тусаб қолса, ўша нарсани топиб едириб қўйинг.

\*\*\*

- Қайси бирларингга райҳон тақдим этилса, уни қайтармасин, чунки у жаннатдан чиққандир.

\*\*\*

- Ҳар бир киши овқатланса, гўшт-ёғ доғини кетказиш учун қўлини ювсин.

\*\*\*

- Таомни совутиброқ истеъмол қилинг, иссиқ овқатда барака бўлмайди.

\*\*\*

- Аллоҳ наздида энг севимли овқат унинг устида қўлларнинг кўп бўлганидир.

\*\*\*

- Касал ҳузурига кирганингизда унга “ажалингиз етгани йўқ” деб овунтиринг. Бу ишингиз тақдирда бирор нарсани ўзгартирмаса ҳам, беморнинг кайфиятини яхшилайти.

\*\*\*

- Уйқудан уйғонган одам қўлини то уч марта ювмагунча идишга тикмасин, чунки у, қўли қаерларда тунаганини билмайди.

\*\*\*

- Агар сув ичсангиз сўриб ичинг, бирдан ичиб юборманг, бирдан ичиб юбориш жигар касаллигини келтириб чиқаради.

\*\*\*

- Агар сут ичсангиз сув билан оғзингизни чайинг, чунки унда ёғ бор.

\*\*\*

- Қайси бирларинг акса урса, унинг ёнидаги киши “Саломат бўлинг” десин, агар уч мартадан ортиқ акса урса, у шамоллаган бўлади. Уч мартадан кейин жавоб айтилмайди.

\*\*\*

- Ҳаё, атр сепиш, никоҳ ва мисвок (тиш тозалагич) ўтган пайғамбарларнинг суннатларидандир.

\*\*\*

- Кундузги рўза учун саҳарликдан фойдаланинглари, кундузги уйқудан эса тунги бедорлик учун фойдаланинглари.

\*\*\*

- Кўзингизга сурма мой қўйинг, чунки у кўзга жило беради ва киприкни ўстиради.

\*\*\*

- Гўшт ейиш юзни ва хулқни чиройли қилади.

\*\*\*

- Беҳи ейиш юрак дардини кетказди.

\*\*\*

- Аллоҳи Таоло ҳар бир дарднинг давосини ҳам яратиб қўйган. Сигир сутини кўпроқ истеъмол қилинглари, чунки у турли доривор гиёҳларни териб ёйди.

\*\*\*

- Беморни кўргани кирганда ҳаққингизда дуо қилишга буюринг, зеро, унинг дуоси фаришталар дуоси билан баробардир.

\*\*\*

- Қайси бирларинг ризқ сўраса, ҳалолдан сўрасин.

\*\*\*

- Қайси бирларинг касални кўргани борса, сенинг ҳузурингда касал ҳеч нарса емасин, чунки бу ҳам касал кўриш қоидаларидан.

\*\*\*

- Аллоҳнинг қайси бир бандаси касал бўлса, ундаги ёмонликларни ёзиб турувчи чап елкадаги фариштага у хақида ёзмайтур дейди. Яхшиликларни ёзиб юрувчи ўнг елкадаги фариштага унинг соғликда қилиб юрадиган яхши амаллари каби амал ёзавер, чунки унинг ҳолини мен яхши биламан ва мен ўзим уни шу ҳолатга солиб қўйдим, дейди.

\*\*\*

- Ўлим келмасдан олдин унга тайёр бўл.

\*\*\*

- Барча касалликларнинг боши совуқликдир.

\*\*\*

- Уйқуга кетишдан олдин чирокларни ўчириб, дарвозаларни беркитиб, сув идишлар, озиқ-овқатларнинг устини ёпиб қўйинглар. Ёпгани нарса топа олмасанглар, идишлар устига бирор чўп бўлса ҳам ташлаб қўйинглар.

\*\*\*

- Раббингдан сўрайдиган энг афзал дуо бу дунёда ва охиратда саломатлик ва кечирим сўрашдир.

\*\*\*

- Садақанинг афзали қорни очни тўйғизишдир.

\*\*\*

- Энг яхши ва ажри бўладиган касал кўришлик, касал ҳузуридан тезда туриб кетиш ҳисобланади.

\*\*\*

- Ўлим тўшагида ётган оғир касалларга “Ёсин” сурасини ўқинглар.

\*\*\*

- Шифо қон олдиришликдадир.

\*\*\*

- Офтобда ўтиришдан сақланинг, чунки у кийимни эскиртиради, ёқимсиз хид туғдиради ва яширинган касалликни юзага чиқаради.

\*\*\*

- Тарвузни овқатдан олдин истеъмол қилинса, қоринни яхшилаб ювади ва касалликни бутунлай кетказади.

\*\*\*

- Эй, Аллоҳнинг бандалари, даволанинг, чунки Аллоҳи Таоло ҳар бир касалликнинг давоси билан яратган, фақат биргина касалликка даво йўқ, у ҳам бўлса қарилик.

\*\*\*

- Қўйдан фойдаланинг, чунки Аллоҳ уни барча дардларга даво қилди.

\*\*\*

- Бемор кишини бориб кўринглар, жанозалар орқасидан қабристонгача боринглар. Чунки бу иш сизга охираат кунини эслатади.

\*\*\*

- Ким бир биродарининг бетоблигини сўрагани борса, у жаннатнинг боғида бўлади.

\*\*\*

- Бир киши бетоб одамни бориб зиёрат қилса, Аллоҳнинг раҳматида юради, агар бемор одамнинг ёнида ўтирса, раҳмат илоҳияда жой олган бўлади.

Ҳадиси муборакдан келтирилган ушбу мисраларнинг маънавий жиҳатларига изоҳ беришнинг ҳеч бир хожати йўқ.

Хуллас, ислом барча мўминларни тўғри йўлга чорловчи, инсонпарвар дин эканлигини англаб етишимиз зарур. Шундагина диндан маънавий ва маърифий тарбияда фойдаланиш заруратига тўғри ёндошамиз.

Адабиётлар:

Дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. «Фан» Т., 1990 й.
2. Кайковус. «Қобуснома» Т., «Ўқитувчи», 1986 й.
3. Шорасул Зуннунов. Донишмандлар тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи». 1998 й.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ўхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи» 1992 й.
5. О.Тўраева «Бола азиз, одоби ундан азиз» Т., «Ўқитувчи» 1986 й.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., 2000 й.
7. О.Тўраева., М.Туропова. «Одобнома». 5-синф. Т., «Ўқитувчи» 1996 й.
8. Қ.Назаров . Аксиология – қадриятлар фалсафаси. – Т.: ЎФМЖ, 2004

#### Қўшимча адабиётлар

9. Аристотель. Сочинения в 4-х томах. – М.: 1975.ч.1
- 10.Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров . таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004
- 11.Фалсафа энциклопедик луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Шарқ,2011
- 12.Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004
- 13.Плутарх. Сайланма. З.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006
- 14.Ёқубова М. Жамият ахборотлашувнинг фалсафий асослари. Фалс.фан. номз. Дисс. –Т.: Университет, 2007
- 15.Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007
- 16.Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. Таржимон Урфон Отажон. –Т.: Янги аср авлоди, 2007
- 17.Ҳақиқат манзаралари. С.Жўраева таржимаси.– Т.: Янги аср авлоди, 2007
- 18.Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди. 2008
- 19.Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. –Т.: Истиқлол, 2009
- 20.Қурбонова Л. Инсон фалсафаси. –Андижон: АДУ, 2009